

Бу кундан кейин отанга ғам, азият йўқдир

09:25 / 13.11.2017 3508

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг (ўлим талвасасидаги оғриқлари) кучайганида, Фотима розияллоху анҳо: «Вой, отамни азият чулғаяпти», дедилар. Буни эшитган Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам: **“Бу кундан кейин отанга ғам, азият йўқдир”**, дедилар. Қачонки, Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам вафот этганларида, Фотима розияллоху анҳо: “Эй отажон! Парвардигор чақириғига лаббай, дедингиз. Эй отажон! Фирдавс жаннати борар жойингиздир. Эй отажон! Жаброил алайҳиссаломга сизнинг ўлимингиз хабарини берурмиз”, дедилар. У зот дафн қилинганларидан кейин Фотима розияллоху анҳо: “Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам устиларидан тупроқ сочиб ҳам нафсларингиз хушнуд бўлаверди-я”, дедилар.

Имом Бухорий ривоятлари.